ALSKOM
SUG'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

**№9-5/4-1/0003**
**Транспорт воситалари эгаларининг**
**фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш**
**ШАРТНОМАСИ**

Самарканд ш. «17» январ 2022 й.

**"ALSKOM" Суғурта Компанияси Акциядорлик Жамияти**, кейинги ўринларда **Суғурталовчи** деб номланувчи, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган **СФ № 00211** серияли лицензия асосида амалга ошираётган **Ишончнома** асосида ҳаракат қилувчи филиал **1-Сонли Сугурта полисларини сотиш маркази бошлиғи Х.Н.Баротов** бир тарафдан ва қуйида **СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ** деб юритиладиган, **Низом** асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи тарафдан **МИБ Самарканд вилоят бошкармаси** биргаликда ТОМОНЛАР, мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 222-сон Қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларнинг фуқаролик жавобгарликни мажбурий суғурта қилишқоидаларига (кейинги ўринларда Мажбурий суғурта қилиш қоидалари) мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш) объекти – транспорт воситасидан фойдаланганда жабрланувчилар ҳаёти ва соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган фуқаролик жавобгарлиги билан боғлиқ транспорт воситалари эгаларининг мулкий манфаатлари ҳисобланади.

1.3. Мазкур Шартномада келтирилмаган барча масалалар бўйича Томонлар Мажбурий суғурта қилиш қоидаларига амал қилади.

## 2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда учинчи шахсга етказилган зарарни қоплашни назарда тутадиган Суғурта қилдирувчи фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

## 3. СУҒУРТА ҲОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:
-мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида (бундан буён матнда суғурта полиси деб юритилади) кўрсатилмаган транспорт воситасидан етказилган зарар;
-маънавий зарар етказилганлиги ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш мажбурияти юзага келганлиги;
-транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув машқлари мобайнида фойдаланилганда зарар етказилганлиги;
-атроф муҳитнинг ифлосланганлиги;
-ташилаётган юк таъсирида зарар етказилганлиги, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши лозим бўлса;
-ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги, агар бу зарар мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;
-ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган ускуналарга зарар етказганлиги;
-юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланаётганида зарар етказилганлиги;
-нодир ва бошқа ноёб буюмларга, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металлардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмларга, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозларга, накд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;
-жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида зарар етказилганлиги.

3.2. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги 3.1-бандда келтирилган вазиятларда юзага келган тақдирда, етказилган зарар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

## 4. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммаси ҳар бир транспорт воситаси учун уларга суғурта полиси расмийлаштирилган кундан **40 000 000 (Кирк миллион)** сум миқдорида белгиланади, шундан:
а) суғурта суммасининг 35 фоизигача – жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказганлик учун;
б) суғурта сумасининг 65 фоизигача – жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлик учун.

4.2. Транспорт воситалар сони 20 дона (иловага мувофик).

4.3. Мазкур Шартнома бўйича умумий суғурта суммаси **800 000 000 (Саккиз юз миллион) сумни** ташкил этади.

4.4. Ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта мукофоти Мажбурий суғурта қилишқоидаларидабелгиланган тартибда ҳисобланади.

4.5. МазкурШартномага илова қилинадиган Ариза-анкеталарга мувофиқ умумий суғурта мукофоти **800 000 (Саккиз юз минг)** сўмга тенг.

4.6. Суғурта мукофоти пул ўтказиш йўли билан бир йўла тўланади (100% олдиндан тўлов). Мазкур шартнома бўйича Суғурталовчининг жавобгарлиги пул маблағлари Суғурталовчи (унинг вакили)нинг ҳисоб рақамига тушган кундан, аммо аввал тузилган суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугаши санасидан олдин бўлмаган санадан кучга киради.

4.7. Агар Шартнома (полис)нинг амал қилиш даврида Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланган бўлса, Суғурта қилдирувчиСуғурталовчидан суғурта товони тўлангани тўғрисида хабар олинганидан сўнг икки ҳафтадан ортмаган муддат ичида тўланган суғурта товони миқдорига ва Шартнома (полис) амал қилишининг қолган даврига мутаносиб равишда суғурта мукофотини қўшимча тўлайди. Қўшимча тўланадиган суғурта мукофоти миқдори Мажбурий суғурта қилиш қоидаларида белгиланган тартибда ҳисобланади.

## 5. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

5.1. Мазкур Шартнома суғурта полисида кўрсатилган муддатга тузилади ва имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

5.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси мазкур Шартномада кўрсатилган суғурта мукофоти тўланганидан сўнг берилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Ўз вакилларини (ҳайдовчиларини), ЙТҲ вужудга келган тақдирда улар йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати вакилларини кутишлари, мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси нусхасини жабрланувчига (унинг меросхўрлари ёки хуқуқий ворисларига) топширишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантириш.

6.1.2. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда:
- дархол, йўл-транспорт ҳодисаси юз берганидан сўнг 72 соатдан кечиктирмай, бўлган воқеа ҳақида Суғурталовчини мажбурий суғурта қилиш қоидасининг 6-иловасига мувофиқ ёзма равишда огоҳлантириш ва суғурта полиси нусхасини илова қилиши;
- зарарни бартараф этиш ва (ёки) камайтириш учун мумкин бўлган барча чораларни кўриш.

6.1.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигиданазарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

6.2. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

6.2.1. Суғурталовчининг ёзма розилиги билан жабрланувчиларга ўз ҳисобидан етказилган зарар қоплаганлиги ватўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинганидан сўнг суғурта тўловларини олиш.

6.3. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

6.3.1. Мазкур Шартномадакўрсатилганҳолларда суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг беш иш куни ичида суғурта товонини жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) ёки Суғурта қилдирувчига (агар зарар унинг ҳисобидан қопланган бўлса) тўлаш.

6.3.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси йўқолган тақдирда уларнинг дубликатини бериш. Дубликат Суғурта қилдирувчи мурожаат қилганидан ва дубликатларни тайёрлаш учун суғурта мукофотининг 10% дан ортмаган миқдорда харажатларни тўлаганидан сўнг, икки кун ичида берилади.

6.4. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

6.4.1. Агар кўрикдан ўтказиш ва шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқларининг мустақил экспертизасидан (баҳоланишидан) аввал шикастланган мулк таъмирланиши ёки унинг қолдиқлари чиқиндига чиқарилиши натижасида суғурта ҳодисаси юзберганини ва мазкур Шартнома бўйича қопланиши зарур бўлган зарар миқдорини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаса, жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўлови ёки унинг бир қисмини тўлашда рад жавобини бериш.

6.4.2. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш ёки уни тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчига, у ёзма равишда мурожаат қилган вақтдан ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши шарт.

## 7. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Суғурта товони Суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)га етказилган зарар миқдорида, аммо суғурта суммасидан ошмаган миқдорда тўланади.

7.2. Агар суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта суммаси бир нечта жабрланувчига тўланиши керак бўлса, ва уларнинг суғурталовчига қўйган талаблари суғурта товони миқдоридан ошиқ бўлса, суғурта товонининг умумий миқдори мазкур шахслар ўртасида, ҳар бир шахснинг умумий талаб миқдоридаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

7.3. Агар Суғурталовчининг ёзма розилиги билан Суғурта қилдирувчи жабрланувчигаетказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплаган бўлса, Суғурта қилдирувчиетказилган зарарни қоплаш тартибида тўловларни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг, Суғурталовчи суғурта товонини Суғурта қилдирувчига тўлайди.

Бунда Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳужжатлар(асл нусхаси ёки нусхаси)ни тақдим этиши лозим:

- жабрланувчининг суғурта товонини тўлаш талаби бўйича аризаси;
- суғурта полиси;
- етказилган зарар факти ва миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хулоса ёки қарор, тиббий муассасадан маълумотнома ёки ҳаёти ва соғлиғигаетказилган зарарни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим тўғрисидаги далолатнома ёки гувоҳнома);
- мол-мулкка етказилган зарар факти ва миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар(тижорат далолатномалари, юк қоғозлари, асосий воситалар китобидан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш тўғрисида шартномалар, мустақил баҳоловчининг мол-мулкни баҳолаш далолатномалари ва ҳоказо);
- жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- меросхўрлик ёки ҳуқуқий ворисликка кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек меросхўрларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ҳуқуқий вориснинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига тўланган бўлса);
- тўлов амалга оширилгани тўғрисида банк белгиси қўйилган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

7.4. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарима ва бошқа шунга ўхшаш тўловларни қопламайди.

## 8. РЕГРЕСС ТАЛАБИНИ ҚЎЙИШ ҲУҚУҚИ

8.1.Суғурталовчи зарар етказган шахсга ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;

б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;

в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;

д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномаси (полисига) га киритилмаган бўлса;

е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ бир даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса.

8.2. Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплаб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда жавобгар бўлади.

9.2. Мазкур Шартномадан келиб чиққан барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади, келишувга эришилмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигигамувофиқ ҳал этилади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН | СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ НОМИДАН |
|---|---|
| **«ALSKOM» АЖ СК**<br>**Самарқанд филиали**<br>Ўзбекистон Республикаси<br>Самарқанд ш. Бобур Мирзо 5<br>х/р № 20208000400155291153<br>«Алоқабанк» Сам.фил.<br>МФО 00401, СТИР201941144, ХТТУТ 96220<br>Тел/факс 233-81-01<br>**1-Сонли ПСМ бошлиғи**<br>**Х.Н. Баротов**<br>М.Ў. | MAJBURIY IJRO BYUROSI<br>SAMARQAND VILOYAT BOSHQARMASI<br>Manzil:140107, Samarqand shahar, Spitamen shoh ko'ch.270 A-uy<br>Sh.h/v 4001 1086 0184 0170 3660 0010 001<br>STIR:304 964 601 Tel.: (0366) 221-30-02<br>Samarqand viloyati bo'yicha G'aznachilik boshqarmasi<br>G'azna h/v: 23402 000 3 00100001 010<br>Markaziy bank XKKM Toshkent sh. bosh boshqarmasi<br>Bank kodi 00014 G'aznachilik STIRi: 201 122 919<br>А.А. Закиров<br>М.Ў. |

Юрист:

ЧШ 540724665
16.03.2019 № 662

Транспорт воситалариэгаларининг фукароликжавобгарлигинимажбурий сугуртакилишШартномасига
Илова
№ Sh 9-5/4-1/0003 «11» январ 2022 й.

# Транспорт воситалари руйхати

| № т/р | ТВ Маркасива модели | ТВ давлат раками | Хисобланган сугурта мукофоти |
|---|---|---|---|
| 1 | Каптива | 30 901 ZDF | 40 000 |
| 2 | Ласетти | 30 902 ZDF | 40 000 |
| 3 | Нексия-3 | 30 903 ZDF | 40 000 |
| 4 | Нексия-3 | 30 904 ZDF | 40 000 |
| 5 | Нексия-3 | 30 905 ZDF | 40 000 |
| 6 | Нексия-3 | 30 906 ZDF | 40 000 |
| 7 | Нексия-3 | 30 907 ZDF | 40 000 |
| 8 | Нексия-3 | 30 908 ZDF | 40 000 |
| 9 | Нексия-3 | 30 910 ZDF | 40 000 |
| 10 | Нексия-3 | 30 911 ZDF | 40 000 |
| 11 | Нексия-3 | 30 912 ZDF | 40 000 |
| 12 | Нексия-3 | 30 913 ZDF | 40 000 |
| 13 | Нексия-3 | 30 914 ZDF | 40 000 |
| 14 | Нексия-3 | 30 915 ZDF | 40 000 |
| 15 | Нексия-3 | 30 916 ZDF | 40 000 |
| 16 | Нексия-3 | 30 917 ZDF | 40 000 |
| 17 | Нексия-3 | 30 918 ZDF | 40 000 |
| 18 | Нексия-3 | 30 920 ZDF | 40 000 |
| 19 | Нексия-3 | 30 921 ZDF | 40 000 |
| 20 | Нексия-3 | 30 922 ZDF | 40 000 |
| | ЖАМИ: | 20 дона | 800 000 |

Сугуртакилдирувчиномидан: ______________ (Ф.И.Ш. ваимзо, исмфамилияситулик)

Сугурталовчиномидан: ______________ (Ф.И.Ш. ваимзо, исмфамилияситулик)

М.П.